# Мадинаи мунавваранинг хурмолари

Image not found or type unknown



13:07 / 15.05.2025 6894

Мадинаи мунавварадан қайтишда Мадина хурмоларидан ўзи билан олишга эътибор бериш керак. Ҳадиси шарифларда Мадинаи мунавваранинг хурмолари катта фазилатга эга экани ва шифобахшлиги баён этилган.

عَنْ سَعْدِ بْنِ أَبِي وَقَّاصٍ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ: أَنَّ رَسُولَ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنْ أَكَلَ سَبْعَ تَمَرَاتٍ مِمَّا بَيْنَ لَابَتَيْهَا حِينَ يُصْبِحُ لَمْ يَضُرَّهُ سُمٌّ حَتَّى يُمْسِيَ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Ким тонгда** (Мадинанинг) **икки тошлоғи орасидаги жойдан еттита хурмо еса, кеч киргунича унга заҳар таъсир қилмайди»**.

*Муслим ривоят қилган.*

Шу боис ҳожилар ўз ватанларига қайтиб кетаётганларида ўзлари билан Мадина хурмоларидан олиб, зиёратчиларни бу билан сийлашса, хайру баракага сабаб бўлади. Буларнинг барчаси улуғларимиздан собит бўлган.

***«Мўминнинг умр сафари» китобидан***

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2024 йил 06 февралдаги 02-07/ 588-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.